

Ғийбатдан тийилишнинг фойдалари (2-қисм)



22:46 / 01.05.2018 5149

Учинчи фойда: рўзанинг бузилмаслиги.

Ғийбат рўзани фосид қилувчи амалдир. Чунончи, у юқорида зикр этилди. Қуйидаги ҳикоя ҳам шу маънога далолат қилади.

Ғикоя. Бир киши Рамазон ойида қон олдираётиб, қон олувчи билан бирга бошқа бировни ғийбат қилди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша жойдан ўтиб кетаётиб: «**Қон олувчининг ҳам, қон олдирувчининг ҳам рўзаси бузилди**», дедилар.

Эслатма. Бу сатрлар муаллифи айтади: «Баъзилар наздида рўзада қон олдириш билан олувчининг ҳам, олдирувчининг ҳам рўзаси бузилади. Уларнинг далили юқоридаги ҳадиси шарифдир. Аммо имом Байҳақийнинг ривоятига кўра, қон олувчи ва қон олдирувчининг рўзаси бузилишига

уларнинг рўза ҳолатида ғийбат қилгани сабаб бўлган, яъни уларнинг рўзаси қон олдириш сабабидан эмас, балки қон олдираётган вақтда ғийбат қилгани учун бузилган. Агар шундай бўлса, «Қон олдириш билан рўза очилади», дейдиган кишиларга бу ҳадис далил бўлмай қолади. Ҳанафий мазҳабига кўра, ғийбат туфайли кишининг рўзаси очилмайди. Лекин бу одам рўзанинг савобидан бебаҳра қолади.

Тўртинчи фойда: таҳоратнинг бузилмаслиги.

Ғийбат қилиш билан таҳоратга нуқсон етади. Шу сабабли биз ҳанафийлар наздида, таҳоратли одам ғийбат қилса ёки ёлғон гапирса, қайта таҳорат қилиб олиши яхшироқ ҳисобланади.

Насиҳат. Иброҳим Наҳай раҳимаҳуллоҳ: «Таҳорат синганда ва мусулмонга озор берилганда таҳорат янгиланади», деганлар.

Ҳикоя. Икки киши Масжидул Ҳаром дарвозаларидан бирининг ёнида ўтирган эди. Уларнинг ёнидан олдин муҳаннас (ўзини аёлларга ўхшатиб юрувчи) бўлиб, сўнг бу ишни тарк қилган бир киши ўтиб қолди. Иккови уни ғийбат қилиб, «Бу одамда ўша одатдан нимадир қолган-да», дейишди. Намозга иқомат айтилгач, масжидга кириб, одамлар билан уни адо қилишди. Кейин дилларида айтган гапларига афсусланиш, пушаймонлик пайдо бўлди. Иккови Ато ибн Абу Рабоҳ раҳимаҳуллоҳнинг олдига бориб, бунинг масаласини сўрашган эди, у киши уларни таҳоратни янгилашга, намозни ҳам қайтадан ўқишга, агар рўзадор бўлишса, унинг ҳам қазосини тутишга буюрдилар.

Ривоят. Оиша розияллоҳу анҳо айтдилар: «Бетаҳоратлик икки хил бўлади. Бири оғзингдан, иккинчиси уйқунгдан. Оғизнинг бетаҳоратлиги ғийбат билан ёлғондир ва бу оғирроқдир».

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов